

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSII
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-SENTABR ■ SHANBA ■ 109 (27.129) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 сентябрь кун Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чаосин, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжумарт Тоқаев, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Аскар Айтматов ва Тожи-

кстон ташқи ишлар вазири Талбақ Назаровни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ШХТнинг шаклланиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгани билан муҳимлигини таъкидлади. Мазкур анжуман ташкилот олдида қўйилган вазифалар изчил бажарилиб бораётганидан далолат беришини кайд этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жадал ривожланаётгани

аъзо давлатларда ҳамфикрлик ва яқдиллик мавжудлигидан дарак беради. Нафақат хавфсизлик муаммоси, балки ШХТ қамраган улкан минтақада савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни кўп томонлама ривожлантириш масалаларига ечим топишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган ушбу ташкилот фаолияти барча аъзо мамлакатлар манфаатига мосдир. Табиий равишда унинг халқаро сиёсат майдонидagi нуфузи ҳам ортиб бормоқда.


МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифи биноан Малайзия Қироли Янг Ди-Пуртан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари 2003 йил 7-11 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳофама этиш режалаштирилмоқда.

ШХТ: ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар ташқи ишлар вазири вазири кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоев, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қ.Тоқаев, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чаосин, Қирғизистон ташқи ишлар вазири А.Айтматов, Россия ташқи ишлар вазири И.Иванов ва Тожикистон ташқи ишлар вазири Т.Назаров иштирок этди. 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида асос солинган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдондаги нуфузи тора ортиб бормоқда. Зеро, мазкур оптик ўз олдида террорчилик, айирмачилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш, минтақада ва дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби умумжаҳон масалаларга ечим топишдек долзарб вазифаларни қўйган. Шу кунчага ШХТ ташкилий босқинчи бошдан кечирди. Энди навбат — амалий ҳаракатга. Шу мақсадда Пекин шаҳрида ШХТнинг доимий органи — Котибиятини ҳамда келаси йили январдан Тошкентда фаолият кўрсата бошлайдиган Минтақавий аксилтеррор марказининг ижроия қўмитасини ташкил этишга келишилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг маълум қилишича, келаси ойларида Тошкентда мазкур Марказ кенгашининг илк мажлиси бўлиб ўтади. Тошкент анжуманида олти мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари шу йил май ойида Москва саммитида бел-


Мустақиллик иншоотлари



ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Чирчиқ шаҳрида ўзбек-турк инвестициялари иштирокида «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» қўшма корхонаси барпо қилинаётди. Умумий лойиҳа қиймати 39 миллион 952 минг АҚШ доллари ташкил қиладиган бу йирик қўшма мажмуа фойдаланишга топширилган, йилига 56 миллион 880 минг донадан зиёд трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Булар эркаклар, аёллар ва болажонларнинг турли кийимликлари, қўйлақлар, футболкалар ва ҳокзалардир. — Корхонамиз фойдала-

қилинади. Бу қўшма корхонанинг афзалликлари нимада? Бўяш-пардозлаш ва тикув фабрикаси Урта Осиёда ягона бўлиб, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 30 фоиздан кўпроги фақат болажонларимизнинг кийимликларидан иборат бўлади. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Чирчиқ шаҳар худудий қурилиш бошқармаси ҳамда асосий сармоядор Туркиянинг жаҳонга машҳур «Бурсел Текстиль» компанияси ҳамкорлигининг маҳсули «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» қўшма корхонаси Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки ҳамда «Олек» жамғармаси кредитлари ҳисобига барпо қилинмоқда. — Ҳозирда умумий саҳни 30 минг квадрат метрни эгаллаган корхона қурилишида 300 нафардан зиёд маҳаллий қурувчи билан бирга хориждан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда, — дейди қурилиш раҳбари Тоғди Асиял Искандер. — Ушбу қўшма корхона фойдаланишга топширилган, йилига 25 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбекистон овози» муҳбири



Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, раванк ва муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни йўллаш шарафига муясарман. Фурсатдан фойдаланиб, шу йилнинг 28 июлида Алио-Мари хонимга кўрсатилган қабул учун билдираётган ташаккуримни қабул этгайсиз. Мазкур ташриф муфоза соҳасидаги ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди. Биз ўтган йилнинг ноябрида Прагада ўтган саммитдаги учрашувимиз чоғида мана шу ҳамкорликни тилга олган эдик.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан шахсан Сиз, Жаноби Олийларига ва ватандошларингизга самимий тилакларимни ихор этаман. Умумий манфаатларга мос ва турли миллатларнинг ҳамжихатлигини таъминлайдиган ривожланган жамият қурилиши йўлидаги фуқароларингизнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни Парвардигордан сўрайман. Сиз, Жаноби Олийларига, ҳукуматингиз аъзоларига ва халқингизга тинчлик-омонлик тилаб дуо қиламан. Исоани Павел Иккинчи

Биз барча соҳалардаги муносабатларимизга янги омил бахш этмоқ учун келгуси йилдан фойдаланишимиз лозим. Шу жihatдан олганда, биз иқтисодий муносабатларимизнинг ҳозирги даражасидан қониқма олмаймиз. Франциянинг Марказий Осиёдаги мажбуриятлари хар қандай ҳолатларга боғлиқ эмас. Франция бундан буён ҳам минтақадаги мамлакатлар билан бирдамлигини мустаҳкамлаб боравериш ниятидадир. Ушбу минтақа мамлакатлари юзага келаятган хоҳ халқаро терроризм бўлсин, хоҳ наркотрафик ёки уюшган жиноятчилик бўлсин, янги хавф-хатарларга қарши курашнинг олдинги маррасида турибдилар. Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ва минтақавий интеграция ишига Ўзбекистон қўшаётган ҳиссанинг аҳамиятини Франция юксак қадрлайди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатида қарор топиши йўлида ва унинг иқтисодий ривожланишида Франция қатъий равишда у билан бирга бўлади. Мухтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз. **Жак ШИРАК,** Франция Республикаси Президенти

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА Мамлакатингизнинг Мустақиллик кун муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий табрикларим ва эзгу изтиҳорларимни ихор этишдан ғоятда мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса раванк ва фаровонлик тилайман. Камоли эҳтиром ила, **Зойд бин Султон Ол НАҲАЁН,** Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

ХДП ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

2003 йилнинг 3 сентябрь кун Ислам Каримов ХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Маматқул Иномов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Жиззах вилоят партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод қилинди, ХДП Дўстлик туман кенгаши етакчиси лавозимда ишлаб келган Жўрақул Исроилов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон ХДП

Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов сўзга чиқди, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Абдуллаев иштирок этди. **ЎЗДП МК** матбуот хизмати

БОШ ПРОКУРОРЛАР ЙИГИЛИШИ

Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар ХХР, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Бош прокурорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда давлатлар ўртасида терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, уюшган транснационал жиноятчилик тўғрисидаги ишлар бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асосий мавзунини ташкил этди. Шунингдек, бу борода ахборот алмашиш бўйича тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилган механизмларини яратиш, ҳамкорликда кадрлар ўқувини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам мажлис кун тартибидан жой олди.

ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органларининг бундай ҳамкорлиги ички ва халқаро терроризм ўртасидаги чегаралар йўқолиб бораётган, бу эса уюшган жиноятчилик, шу jumладан, қурол-яроқ савдоси, наркомания билан қўшилиб кетаётган бир пайтда, уларга қарши курашда жуда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров бошчилигидаги делегация иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси томонидан бир қатор аниқ тақлифлар киритилиши ва қабул қилинган ҳужжатларда ифодасини топиши мўҳим воқеа бўлди. **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратураси матбуот хизмати

Долзарб мавзу

ҲОВЛИ-ЖОЙИНГИЗ САРИШТАЛИ, ФАЙЗЛИ-ФАРИШТАЛИМИ?

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ, ҚУРИЛАЁТГАН УЙ-ЖОЙЛАР ВА МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Нафсиламбрини айтганда, ҳаммамизнинг ҳам уйимиз, хонадонимиз, яшаш жойимиз бор. Тўғри, биримизнинг бошланмиш ҳашаматлироқ, салобатлироқ, бошқамизники эса бундайроқ... Лекин хозир гап бу ҳақда эмас. Гап яшаб турган уйимиз, хонадонимиз, ҳовли-жойимизнинг олдидаги бир парча ер ҳам ёғ туша аялгудай. Шакароб қилиб сув сепилган. Ичкарига қадам қўйишингиз билан йўлакнинг икки четига экилган анвойи гулларнинг, жамбилу райхонларнинг хуш бўйидан баҳри дилингиз очилади. Чиройли қилиб шакл берилган дарахтлар яшонаб турибди. Ҳовли четидан ўтган ариқчада сув жилдиратиб оқибди қўйилган. Сабзю, помидор, бодрингу картошка-пизанга муъжазгина томорқасидан чиқаркан. Ҳаво 35-40 даража жазирама бўлишига қарамадан бу ер соя-салқин, ҳузурбахш. — Мол-ҳолингиз йўқми? — сўрайман отахондан. — Бор, ўғлим, бор. Қишлоқда

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪНАЛАРДА

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЗАРКЕНТДА ЯНГИ МАКТАБ

Партия ва ёшлар

Учкўрғон туман партия кенгаши ХДП ташкилотлари фаолиятида ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, партиянинг олиб бораётган ёшлар сиёсатини жўшқинлаштириш мақсадида ёшлар анжуманини ташкил қилди...

Улғунор туман партия кенгаши ташаббуси билан маҳаллалар ва маҳаллалар марказларида ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилди...

Партия ташкилотларида

ЎзХДП Навбахор туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилиб, Шамсиддин Калонов туман партия кенгаши биринчи қотиби этиб сайланди...

Партия Наманган туман кенгаши «Файрат» ширкат ҳўжалиги бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда МК V пленуми қарорларининг жойларда ижросини таъминлашга қаратилган масалани кўриб чиқиш учун кенгайтирилган йиғилиш ўтказди...

ЎзХДП Ҳазорасп, Хонқа, Богот туман кенгашларида ўқув семинарлар бўлиб ўтди. Партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг эътиборини аҳоли диққат марказидаги ўткир ижтимоий-иқтисодий масалаларга жалб этишга қаратилган мазкур тадбирларда ХДПдан сайланган шахар, туман Кенгашлари депутатлари, ҳудудий, бошланғич партия ташкилотлари қотиблари иштирок этдилар...



— Ҳаммасига «Сўнги кўнғирок» сабаб бўлди, — деб сўз бошлади Ўзбекистон Қаҳрамони, Паркент туманидаги «Заркент» ширкат ҳўжалиги раиси Тоживой Ризаев...

— Ҳаммасига «Сўнги кўнғирок» сабаб бўлди, — дейди мактаб директори Рустам Ашуров. — Тоживой отага минг раҳмат. Бир сўзли инсонлардан. Мустақиллик байрами арафасида нафақат болаларнинг, балки Заркент қишлоғи аҳлининг ҳам қувонига қувон қўшилди...

Рохила ИСМАТУЛЛАЕВА

ШУ ЙИЛ 29-30 АВГУСТ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗ ОЛГАН ПАРЛАМЕНТИМИЗ АЪЗОЛАРИ МАЪРУЗАЛАРИ МАЗМУН-МУНДАРИЖАСИНИНГ ПИРОВАРД ЯКУНИ:

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ — ХАЛҚИМИЗ САЛОҲИЯТИ ТАРЗИДА БЎЛДИ.

Сессияда депутатлар мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳўжжати — давлат бюджетининг биринчи ярим йил ижроси ва унинг якунларини кун тартибига биринчи масала қилиб қўйганидан хабардордик...

Орадан беш-олти кун ўтиб, унинг тафсилотлари ҳақидаги таассуротларимиз қуйидагича: Биринчидан — республикамиз молия вазири М.Нормуродовнинг ҳисоботи қизгин баҳслар ва мулоҳазаларга сабаб бўлди...

жетта 49,5 миллиард сўм тушди ёки тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 бараварга кўпайди. Умуман олганда, бевосита солиқлар бўйича тушумлар 288,5 миллиард сўмга етиб, жами бюджет даромадларининг 27,3 фоизини ташкил этди...

Долзарб мавзу

Отaxonнинг сўзларини тинглашману, қайси бир кунни шу қишлоқдаги фермер Фулом Жўлтаевага тегишли ҳовлида кўрганам-анчайин ёқимсиз «манзара» кўз олдимда намойиш бўлди...

Уй-жойларни лойихалаш, қишлоқ мейморчилиги бўйича ҳам муаммолар анчагина. Масалан, яқна тартибда уй қураётганлар учун уй-жойларнинг маҳаллий шароитга мос бир нечта лойихаларини тавсия этганмиз...

бордини қаратдилар, уй кураман деган фуқароларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳақиқатдан ҳам миллий мейморчилигимиз аънаваларини замонавий архитектура ютуқлари билан уйғунлаштириш ҳолда пишиқ, чидамли, гўзал иморатлар барпо этиш қандай соз?...

Одатда инсон дунёга келибдики, яқши яшашга, кўрса кўргудай, ҳавас қилгудай уй-жойларда истиқомат қилишга интилади. Шундай бўлғач, ҳар қайсиимиз аявалло, ўзимиз, фарзандларимиз яшайдиган уй-жой, ҳовлини гуллаб-яшнайтиш, обод, соя-салқин, ҳўзур-ҳаловат топадиган гўшага айлантиришни, деб елиб-югуришимиз табиий...

ҲОВЛИ-ЖОЙНИНГИЗ САРИШТАЛИ, ФАЙЗЛИ-ФАРИШТАЛИМИ?

КИШЛОҚНИНГИЗ КИЎФАСИ, ҚУРИЛАЁТГАН УЙ-ЖОЙЛАР ВА МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

иб турибди. Нарирокда занг босган плут. Шундоққина эшик олдида бир гала товук қувалашиб юрибди. Гулу гулзор ҳақида гапириш ортиқча. Атроф қақраб ётибди. Ақалли бирон туп дарахт бўлсаям майлидди...

дан маъно топса, иккинчи ҳовлидагилар тал-тақир, яйдок жойдаям пинак бузмасдан... — Нимасини айтасиз, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғининг муовини Зоир Сувоқуллов. — Шундай одамлар ҳам борки, улар хоҳлаган нарасини, хоҳлаган жойда, хоҳлаган тарзда ўзлари билганларича қуриб

қурилган бўлса, шунинг 1236 таси ота-боболаримиздан қолган қўлбола режа асосида тикландики, бугун бир жойда гишти, иккинчи жойда сичли, учинчи жойда пахсали, тўртинчи жойда эса гувалали хилма-хил уйлари кўришимиз мумкин. Айтингчи, бундай «манзара» қишлоқларимиз киёфасини бежайдими?

чи? — гапни давом эттиради Давлат архитектура-қурилиш назорати вилоят инспекцияси бошлиғи вазиғасини бажарувчи Валижон Сиддиков. — Бундай пайтда уй-жой қуриш жараёнида бош режани у ёки бу даражада бузганларга нисбатан амалдаги «Шаҳарсозлик кодекси»га биноан Мамаурий ҳама инти-



Уйлаб қолсан киши: нега икки ҳовлида икки хил манзара? Бир қишлоқдаги тупроғи, суви, шароитида фарқ бўлмаган бу икки ҳовлидаги аҳвол ўртасида нега бу даражада катта тафовут? Ахир ҳар икки ҳовлининг ҳам эркағи, аёли борку...

ташлайверадилар. Ҳатто, ҳовли ёки уй деворини режадан четга чиқиб бўлсаям, бир-икки метр суриб, қўчани ёки йўлакни тўсиб қўйишдан ҳам тоймайдиганлари бор. Оқибатда кўча ва йўлакларда тартибсизликлар юзага келади, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.



зоий чоралар қўлланилади. Шу ўринда йил бошидан бери ўтган саккиз ойда 17 ҳолат бўйича иш судга оширилганини, 26 ҳолатда эса айбдорлар жаримага тортилганини айтиб ўтиш бу масалада муайян тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради, деб ҳисоблайман...



Суратларда: Пахтакор тумани Мингчинор қишлоғидаги Шомурод ота Файзиевнинг файзли ҳовли-жойи; энди шу қишлоқлик фермер Фулом Жўлтаевнинг ҳовлисидаги мана бу «манзара»га нима дейсиз? Бирдан кўзингиз қувнаса, иккинчисидан кўнглингиз хира тортади...

1

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва умуман, маориф тизимини ривожлантириш — Давлат бюджетини сиёсатида асосий ўрин тутади. Маориф муассасаларида жорий харажатларни молиялаштириш учун 6 ойда (капитал маблағларини ҳисобга олманган ҳолда) 266,7 миллиард сўм ажратилиб, шундан 232 миллиард сўми (қарий 87 фоизи) маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди...

капитимиздаги 9250 та бюджет, молия ва банк муассасаларида биринчи даражали харажатларни белгиланган муддатларда молиялаштириш, иш ҳақи, стипендия ва нафақаларнинг вақтида тўланиши, бюджет интизомига риоя этилиши бўйича доимий мониторинг ишлари олиб борилди. Лекин бюджетнинг изчил ижроси учун ҳали булар етарли эмас...

Дарвоқе, ўшанда бунга эришмоқ учун аниқ вазиғаларни ҳал этишга қаратилган тўрта ҳафтада дастурлар тўплами ишлаб чиқилди. Қатъий молиявий-кредит сиёсати йўлга қўйилди. Молиядан ишонч кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-теғиб фойдаланиш талаб қилинди. Инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказилди...

Журналист ён дафтарида

Табият жуда хассос ва айни пайтда ўзига хос санъаткор. Энг гўзал, энг сўлим гўшаларини узок-узокларга, хилватларга, тоғлар бағрига яшириб қўяди, у ерга етиб олгунча одамзоднинг хийла тер тўкишига, захмат чекишига тўғри келади.

уни Киргизистоннинг Боткент вилояти орқали Исфарага боради. Рўпардаги баланд чўққилар Помир тоғи тизмаларига туташади.

ши ҳеч гапмас. Шунинг учун бу ерда йўлга алоҳида аҳамият берилади. Уни турли табиий офатлардан, айниқса, селлардан авайлаб сақлашади.

РАВОН БЎЛГАН
ТОҒ ЙЎЛИ

ЁКИ СЎХЛИК ЙЎЛСОЗ ҲАБИБУЛЛА МИРЗАЕВНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР



оддий шағал солинган, ўйдим-чўқур йўллар эди. Хусусан, Риштон-Сўх довоидан одамлар жонини ховучлаб ўтишарди. Энди эса минг шукри, кенг, равоси, текис асфальт тўшланган йўллар.

иссиқ, Олтинчи йилларда келганимда у Кўқондаги автомобиль-йўл қурилиши техникумида ўқирди. Кейин бошқармада оддий ишчи бўлиб ишлаш бошлади, сўнгра йўл устаси...

ди. Ҳабибуллонинг ўн бир фарзанди воёга етказган қахрамон онаси Мухаббат опани зиёрат қилдик. Келганимизни эшитиб хонадондаги ака-укалар, опа-сингиллар ҳам тўпланишди.

Оиланинг энг кенжа фарзанди Ўлжабой — отаси Бобомансур акага тортибди — бобон.

Бир пиёла чойдан кейин Ҳабибулло билан Сўх йўллари айландик. Бобгон бо- сел. Яқинда мана шу кўприкни зўрга сақлаб қолдик. Кечаси ҳаво бузилгандай эди, ярим кечаси ёмғир ёғиб, сел келая бошлади.

сиди, Бобомансур акадан қолган богда давом эди. Бу ерларга бир неча йилдан бери келолмаганимни ва кўп нарсалардан бебаҳар қолганимни англадим: Ҳабибулло йўл қурилиши соҳасидаги узок йиллик ва самарали меҳнати учун ҳукуматимиз томонидан «Дўстлик» орден билан мукофотланди.

Сўхдан қайтаётиб ўзимча ўйлайман. Бу қишлоқ пайдо бўлганига неча юз йиллар бўлган, неча авлодлар тоғ йўлларининг машаққатидан азоб чекиб ўтган. Равон асфальт йўллар улар учун армон бўлиб қолган.

Ўзбекистон ва жаҳон

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ
ИНСТИТУТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ЁКИ УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланган. Чегараларимиз, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, илмий ва бошқа тур муносабатлар ривожини кенг очилди.

ган аъзолар) ушбу ташкилотларнинг таъсис актида (Устав, Статус, Шарҳнома, Битим, Битим моддалари, Акт ва бошқалар) қатъий белгилаб қўйилади.

лар Кенгашига тавсия этадилар. Мазкур чораларнинг аниқ хусусиятлари ва назарда тутилган қонунчилик тарихи, умумий маънода ХВФга аъзолик шартлари ва назарда тутилган ХТТБ юристлари билан муҳокама қилинади.

Булунжаҳон Банки Гуруҳи ташкилотлари билан ҳамкорлик ҳам самарали бўлмоқда. Масалан, 2002 йилда ХТТБ 150,000 минг АҚШ доллари миқдориде ажратилган кредит ўзлаштириш жараёнида ХМКнинг Ўзбекистон Республикасига нисбатан бўлган молиявий мажбурияти 7500 минг АҚШ долларига тенг бўлади.

Террорчилар поездини портлатишди. Ўтган йилнинг кузида Москвадаги Театрлар марказида, шу йил 5 июлда Тушино аэродромида, 1 августда эса Шимоллий Осетианинг Моздак шаҳридаги ҳарбий госпиталда ва энди эса Кисловодск-Минводи йўналиши бўйича ҳаракатланаётган электрикда содир этилган террорчилик оқибатида беғуноқ одамлар ҳалок бўлишди.

Ўзбекистон — Малайзия

ДИНИЙ
БАҒРИКЕНГЛИК ЮРТИ

Мамлакатларнинг тарих соломаларида уларнинг давлат сифатида вужудга келиш, институционал шаклланиш, босқичма-босқич ривожланиш йўлларининг танланишида бир-бирига ўхшаш қўпала умумийликлар мавжуд. Баззида, ҳаттоки у ёки бу халқнинг аҳамиятига молик саналари ҳам бир кунда нишонланади.

18 НАФАРИ ҚАРШИ

Фаластин муҳторияти парламентининг 83 аъзосидан 18 нафари муҳторият бош вазир Махмуд Аббосга ишонч билдириш ёки билдирмаслик масаласи парламентда овозга қўйилиши талаб қилиб чиқди.

МУНОСИБ ТЎЕНАЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Самарқандда тўрт юлдузли «Президент палас» меҳмонхонаси ишга туширилди.

«ОЙИМТЕКСТИЛЬ» ИШГА ТУШДИ

Мустақиллик байрами арафасида Жалақудук туманининг «Ойим» қишлоғида «Ойимтекстиль» Ўзбек — Хитой кўшама корхонаси ишга тушди.

дилар. Ишлаб чиқариш кўлами йилдан йилга кенгайиб боради. Кўшама корхонанинг ишга тушиши муносабати билан бу ерда катта тантана бўлди.



АТИГИ
12 МИНУТДА

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида гаройиб тадбир, яъни 12 минутда ким кўп «хот-дог» ейиш бўйича аънавий чемпионат бўлиб ўтди.

«СЕН ЁЛГИЗ ЭМАСАН»...

Шахрисабз туман телевидениеси хайрли ишга кўл урди. Ёлғиз яшаётган кишиларга ёрдам кўлини чўзиш мақсадида «Сен ёлғиз эмасан» хайрия телемарафонини ўтказмоқда.

Юнус УЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Икки шунқор урушса, бир қаргага ем тушар


(Шунқор — овчилар қўлга ўргатадиган ов қуши. Уни мард, ботир, довурак одамларга ташбех эътидилар).

Икки ўн беш — бир ўтмиш

Вар.: «Икки саккиз — ўн олти», «Бири — ўн тўққиз, бири — бир кам йигирма».

Инсон хотираси — азиз

Истеъдодли шоир ва драматург, публицист ва фаол жамоатчи Эгам Раҳим ўзбек маданияти, матбуоти, адабиёт ва санъати ривожига муносиб хисса қўшди.



Сув — ниятнинг азизи, эзуси бўлиб келди қадим ўлкага. Чанқоқни бир босмоқ орзу деб,

МУСАФФО ТҲУҒУЛАР ОЛАМИ

Бўлиш, ҳар бир янгиликка ўз муносабатини билдириш, замон билан ҳамнафас бўлишга интилиши яққол кўзга ташланади.

мандр, Неъмат Солаев, Арслон Отажонов, Султон Нодирматов, Карим Қурбонов, Оймонжон Эгмова, Шариф Сафаров, Отамурад Пирматов, Қурбонбой Юсуповлар ундан масъулиятни, Ёшларга меҳрибонлиқни ўрганишди.

АРЗИР

Жондан азиз Ватанга парвона бўлсанг, арзир, Бу шодийна дамда шодона бўлсанг арзир, Мардонлар ишидан мастона бўлсанг арзир, Жонон беан йиғитга жонона бўлсанг арзир, Ҳақ йўлида чекиб дард гирёна бўлсанг арзир.

Меҳнатда қуйла ишқинг, мудом сен ҳақ томон бўл, Қўрага иззатини аҳдинга посибон бўл, Қим этса меҳрин ихзор доимо меҳрибон бўл, Дустилимиз улуғ куч сен унга сидқи жон бўл, Жондан азиз Ватанга парвона бўлсанг арзир.

Янги чаманзорларни тополдиқ бу диёрдан, Иродамиз букимлас ҳар қандай ғов солардан, Тошкентга жўнамоқ бўлганда ихтиёрдан, Тану жонда Ватанга ишқ тўлди ифтихордан, Жондан азиз Ватанга парвона бўлсанг арзир.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА ЎЗБЕК ТАРОНАЛАРИ



Токио санъат ва мусика миллий университети профессори Гэньичи Цугэ бошчилигидаги бир гуруҳ мусиқашунослар Ўзбекистон бўйлаб сафарлари чоғида аъёнаний халқ мусиқаси ҳақида бой материал тўпладилар.

бориши билан қизиқдилар. Айни чоғда аъёнаний ўзбек куйларини, халқ бахшиларининг қўшиқларини ёзиб олдилар.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 10, 17, 24, 31 октябрь кунлари аукцион ва танлов савдоларини ўтказилади.

- Аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади: «ONIKS» очик акциядорлик жамияти қаралиши, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Мирпулатов кўчаси, 51-уйда жойлашган бино ва иншоотлар, умуман майдони — 3731 кв.м.

«ДИЁНАТ» КУБОГИ УЧУН

Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг «Диёнат» ҳамда «Хуқуқ оламида» газеталари таҳририяти кўлаб хайрли тадбирларга ташкилотчилик қилмоқда.

ФУТБОЛ УЧ ТҲҒП, УЧ ОЧКО

Олий лига жамоалари навбатдаги 21-тур учрашувларини чемпионат жадвалида белгилангандан қарийб ўн кун олдин ўтказди.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимияти савдо департаменти томонидан 2000 йил 12 июнда «Жамолмур» хусусий фирмасига берилган спиртли ичимликлар ва пиво савдоси ҳуқуқини берувчи АUN02098 рақамли гувоҳнома йўқолигани сабабли

Advertisement for Bosh Muharrir Safar Ostonov, listing various services and contact information for different regions.